

## **А Ж Р И М**

(жиноят ишени ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2020 йил 17 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Қ шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья Қ.Анинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Анинг котиблигида, Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Р, судланувчи З.М ҳамда унинг химоячиси-адвокат М.Н, жабрланувчи В.Мнинг иштирокида

М.З.С, 1981 йил 12 декабрь куни Қ шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2006 йил 14 августдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган, маълумоти ўрта, ишламайди, Қ шаҳар, А.Т кўчаси, 24-уй, 23-хонадонда рўйхатда туриб, Қ шаҳар, Б.Э кўчаси, 137А-уйда яшовчи, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 9 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1503-2003/561-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И:**

Суриштирув органи томонидан М.З.С 2020 йил 18 сентябрь куни соат 9:00 ларда турмуш ўртоғи М.Г.С билан бирга фуқаро М.В.Внинг бошқарувидаги 01 619 КГА давлат белгили “Исузу” русумли автобусга чиқиб, ушбу автобус Қ шаҳар, З.В кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб кетаётган вақтида, автобус ҳайдовчиси В.М турмуш ўртоғи Г.Сни ҳақорат қилганлиги сабабли у билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал давомида фуқаро В.Мнинг юз соҳасига кўли билан қасддан бир неча марта уриб, унинг соғлиғини 6 кундан ортиқ, лекин 21 кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувида олиб келган шикаст етишига сабаб бўлишда айбланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 584,585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Судланувчи З.М жабрланувчи В.М билан ярашганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи М.З.С га оид 1-1503-2003/651-сонли жиноят иши тугатилсин.

З.Мга қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.



Раислик қилувчи:

Қ.А

Хужжат имзоланган: Абдуллаев Қобулжон Ғуломжон ўғли, 27.11.2020

